



Болаларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш технологиялари

Шахзода Қаландарова
Ориентал университети
магистранти

Ҳар бир давлатнинг мақсади келажак авлодни баркамол этиб тарбиялашдан иборат. Бизнинг давлатимизда ҳам бу сиёsat устивор ҳисобланади. Умумий ўрта таълим мктабларини касб-хунарга ўргатиш, уларнинг иқтидор ва қобилияtlарини юзага чиқариш педагог зиммасидаги масъулиятли вазифалардандир. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда синф раҳбари, мактаб психологи, баркамол авлод болалар мактаблари ҳамкорлик фаолияти бир қатор самарадор натижаларни кўрсатади. Жумладан:

- Асосий дарслардан сўнг касб-хунарга оид қўшимча таълимнинг жорий этилиши;
- Мактабларда болаларнинг тармоқ тўгаракларга кенг қамровда жалб этилиши;
- Ҳар бир боланинг мактабни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома билан бирга бирор ҳунарни эгаллаганлиги ҳақидаги сертификатга эга бўлиши;
- Назария билан амалиётнинг яхлитлигини таъминлаган ҳолда боланинг касбий ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш;
- Таълим ва ишлаб чиқариш обьектлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳамда уларнинг бола тарбиясига масъуллигини вужудга келтириш ва кучайтириш;
- Таълим муассасаси, ота-она ва маҳалланинг ҳамкорлик ишларини ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш устуворлигига мустаҳкамлаш;

Ҳаммамизга маълумки, инсон боласи пайдо бўлибди, қорни тўқ, эгни бут бўлиб яшаш учун ҳаракат қиласи. Астойдил ҳаракат ва унумли меҳнат қилган инсоннинг турмуши яхшиланиб боради. Бунинг учун эса билим, ақл, уқув керак.

Қадимдан ҳунарманд жисмоний меҳнат билан шуғулланган. У ҳунармандчилик мактабини ёки санъат олийгоҳини тугалламаган бўлса-да, ясаётган кўзасига қандай хом ашё кераклигини, кўзанинг ясалиш технологиясини аниқ билади. Ишлаётганида, санъатшунос олимларнинг китобларини титкилаб ўтирмайди. Ҳунарманд йиллар, асрлар мобайнида шаклланган, ота-боболаримиз тўплаган тажрибага таяниб иш кўради. Ана шу иш жараён асосида ақл-идрок, уқув, илмий бўлмаган билим ётади. Инсониятнинг тараққий этиши учун айнан шу билим мухим омилдир.

Буюк аллома, шоир Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида шундай деб ёзган эди:

“Билим, ҳунар ўрган, оғир тут уни,
Оғир тутар охири ҳунар ҳам сени.
Билим бил, у қув уқ, юрма беҳуда,
Пайти келса ёрир бу хил эр куни”.

Кўриб турганингиздай, билим, ҳунар, уқув – бир-биридан ажратиб бўлмас жараёнлардир. Инсонни инсон қилган ана шу фазилатлар меҳнат туфайли вужудга



келади. Илмий тилда бу **малака** деб аталади. Инсон унумли меҳнат қилишни, меҳнатининг натижаси сифатли бўлишини истар экан, унга албатта малака керак.

Тарбияшунос олимларнинг фикрича, **билим** – объектив ҳақиқатнинг инсон онгидаги акси; **кўникма** – амаллар ёки ҳаракатларни мақсад ва шарт-шароитларга мувофиқ бажарилишидир. **Малака** эса кўникманинг автоматик ҳолатга келиши, автоматлашган даражада ижро этиш демакдир.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда такрор айтамизки, **малака** машқ қилиш, уқув, билим, кўникма ва ақл ҳосиласидир. Малака ўтмишда ҳам инсон ҳаёти ва турмушида муҳим аҳамият касб этган. Бугун ҳам шундай, эртага ҳам шундай бўлиб қолади. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда малаканинг аҳамияти ниҳоятда катта. Малакасиз педагог билим беришга қодир эмас.

Давр шиддат билан ривожланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Демакки, педагоглар ҳам ана шу шиддатли жараёнлар билан қадам-бақадам боришлари керак. Бу – давр талаби.

I. **Тематик машғулотларни жорий этиши.**

Шу турдаги машғулотларни ташкил этиш орқали малака ошириш ишида муваффақиятга эришиш мумкин. Бу ўринда педагогик тажрибани таҳлил этиш принципига алоҳида эътибор қаратилади. Айнан шу принцип малака оширишнинг тез суръатлар билан ривожланишини ва узлуксиз бўлишини кафолатлади.

Тематик машғулотлар деганда куйидагиларни назарда тутамиз:

1. Очиқ машғулотлар;
2. Семинарлар;
3. Тренинглар;
4. Маҳорат дарслари;
5. Мақсадли курслар ва ҳоказо.

II.1. Очиқ машғулотлар.

Инсоннинг юзи унинг қалб кўзгуси бўлгани каби, тўгаракнинг қандай фаолият кўрсатаётганини тўлиқ очиб берувчи жараён - очиқ машғулотдир. Бунда тўгарак раҳбарининг ҳам педагогик, ҳам ташкилотчилик, психологик маҳорати яққол намоён бўлади.

Очиқ машғулот ўз номи билан “очиқ” жараён бўлгани боис, бундай машғулотга маҳсус тайёргарлик кўриш мақсадга мувофиқдир.

Даставвал, машғулотнинг қуйида кўрсатилган моддий-техник таъминотини амалга ошириш зарур.

- тўгарак фаолиятига оид дастгоҳлар ва бошқа техник мосламалар;
- аудиовизуал ўқитиш воситалари;
- видеоматериаллар;
- ўқув-методик адабиётлар;
- иш ва ўқув қуроллари;
- хом ашё.

Психологларнинг фикрича, эшлиши орқали (маъруза тарзида) олинган маълумотнинг 1 ҳафтадан сўнг атиги 20 фоизи хотирада қолар экан. Ҳам эшлиши, ҳам кўриш орқали олинган маълумотнинг эса 50 фоизи хотирада сақланади. Демакки, кўргазмалиликка асосланиб ўтказилган машғулотнинг таъсири 2,5 баробар ортади.



Бунинг учун тўгарак раҳбари суратлар, слайдлар, кўргазмали моделлар, видеоматериаллардан кенг фойдаланиши зарур.

Биргина техник машғулот давомида мавзуни кенг, эсда қоларли даражада ёритишида компьютер техникининг аҳамияти катта. Дейлик, “Автомодел” тўгарагида “Енгил автомашина моделини ясаш” мавзусида машғулот ўтишни режалаштириб, даставвал, компьютерда автомоделнинг умумий кўриниши, проекциядаги тасвири, ишчи чизмаси, модел деталлари ҳамда ясалиш технологияси босқичма-босқич ёритиб бериб, сўнг ушбу маълумотлар асосида модел устида иш олиб борилади. Болаларнинг қизиқишларини ошириш мақсадида “Бу нимадан ясалган” рукнидаги ҳужжатли фильмлардан лавҳалар намойиш этиш мумкин.

Моҳир педагог ўқувчиларнинг машғулотда фаол иштирок этишларига; ҳар бир бола шахсига индивидуал ёндашиб иш юритишга эришади; ноанъанавий ўқитиши методларини ўзининг иш фаолиятига тадбиқ этишга ҳаракат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тоҳиров Ў. Касбга йўналтирилган таълим мазмuni ва уни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлар илмий тадқиқот институти.
2. Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари: Пед. фан. докт. дисс. – Тошкент.: 2007. – 368 б.
3. Турғунов С.Т. ва бошқалар. Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлилигини ривожлантириш механизми – Тошкент: „Voris-Nashriyot”, 2012. -167б.
4. Умаров Сайднеъмат Бурхонович. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш технологиялари (V-IX синфлар мисолида). Пед. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2005 й.